

ASSESSMENT OF THE IMPACT OF YOUTH UNEMPLOYMENT ON SOCIAL DEVELOPMENT

Mahammatov Otabek Saidalievich,
Email - maxammatov-o@mail.ru

Ibragimov Lutfullo Ziyadulleevich

Annotation

The article highlights the level of unemployment of young people active in the socio-political life of the country, its impact on social development and the strengths of youth policy in the country. The labor productivity of each labor force entering the labor market, the consequences of unemployment are assessed from the point of view of social security.

Keywords: youth employment, social stability, youth policy, the consequences of unemployment.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига қараганда, 2019 йилда республиканинг иш билан банд бўлган аҳолисининг ўртача йиллик сони 13,5 миллион кишини ташкил этади. Иш билан таъминланганлар сони ҳар йили ўртача 300 минг кишига кўпайган бўлиб, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси 71,2 фоизни ташкил қилган. Меҳнат бозорининг фаоллашуви мамлакатдаги демографик ўсиш билан бевосита чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон меҳнат бозоридаги ёшлар улушини баҳолаш зарурати жамиятнинг ижтимоий барқарорлигига алоҳида эътибор берганлиги билан баробардир. Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, ёшлар кўп жихатдан жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатувчи муҳим қатламдир.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида 621 миллион ёшлар ўқимайди, ишламайди, касбий тайёргарликдан ўтмаган, улар нофаол аҳоли гуруҳлари таркибига мансубдир [1]. Мазкур рақамларни таҳлил қиладиган бўлсак, дунё аҳолисининг деярли 8 фоизи демакдир. Агар жами ёшлар улушида ҳисоблайдиган бўлсак, дунё бўйича ёшларнинг кўпчилиги ишламайдиган, ўқимайдиган нофаол аҳоли эканлиги маълум бўлади. Республикада 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 18 миллиондан зиёд бўлиб, бу жами аҳолининг қарийиб 55 фоизини ташкил этади [2].

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ишсизлик сурункали давом этиши натижасида кўплаб фуқаролар йиллар давомида иш тополмасдан қийналишмоқда. Бу эса табиийки, аҳоли ўртасида ижтимоий норозиликларнинг ортишига олиб келмоқда. Айниқса жамиятнинг фаол аҳоли қатлами бўлган ёшлар учун бу ҳолат жиддий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Юқорида кўрсатилиб ўтилган муаммолар билан рус олимларидан Е.И. Беглованининг олиб борган тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга. Унинг ишларида ёшлар ишсизлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва оқибатларини илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Ишсизлик ҳар бир мамлакат учун иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаришдан ташқари, бошқа кўплаб қуйидаги ижтимоий муаммоларнинг кучайиб боришига олиб келиши мумкин:

Биринчидан, ишсиз ёшлар қатлами ўзининг бандлигини жамиятдаги ижтимоий жараёнлардан қидиради ва ҳар бир ижтимоий жараёнлар ҳам миллий минталитетга, ҳуқуқ нормаларига, тараққиётга хизмат қилмайди. Бу эса ўз навбатида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг ортишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, ишсизликнинг энг салбий оқибатларидан бири ёшларда ғоявий ва мафкуравий бўшлиқни вужудга келишига ва моддийлик илинжидаги ғоявий тобеликнинг кучайишига сабаб бўлади.

Учинчидан, ёшларнинг маҳаллий давлат ҳокимиятига нисбатан ишончсизлик хиссини ортиши ва ватанпарварлик туйғуларини пасайишига олиб кела бошлайди.

Тўртинчидан, ҳар қандай салбий омиллар таъсири моддийлик ва унга тобелик йўлидаги ижтимоий хавфсизлик учун жиддий таъсирларни ортиб боришига сабаб бўлади.

Статистик маълумотларга қараганда республикамизда бугунги кунда 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик 17 фоиз экани қайд этилди [3]. Юқорида келтириб ўтилганидек, ёшлар ўртасида ишсизлик биринич навбатда улар орасидаги ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг ортиб боришига олиб келади. Масалан, бугунги кунда ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар умумий жиноятларга нисбатан 25 фоизга етган [4]. 2020 йилнинг ярим йиллик даври давомида жиноят содир этган шахсларнинг ёши жиҳатидан таҳлил қилинганда, жами жиноят содир этган шахслар 17740 нафардан иборат бўлиб, шундан, 13-17 ёшдагилар 410 нафар (2,3 %) ни, 18-24 ёшдагилар 2656 нафар (15,0 %) ни, 25-30 ёшдагилар 3454 нафар (19,5 %) ни, 31 ёш ва ундан катта жиноят содир этган шахслар

11220 нафар (63,2 %)ни ташкил этган [5]. Жиноят содир этган фуқаролар бандлиги бўйича таҳлил қилинганда меҳнатга лаёқатли ишламайдиган, ўқимайдиганлар ўртасида жиноят содир этганлар 3198 кишидан иборат бўлиб, жами жиноят содир этган шахсларнинг 18,0 % ни ташкил этган[4].

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида ёшлар ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган жами 40 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 3 та Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та Фармони, 8 та Қарори, 2 та Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 18 та Қарори ва 4 та Фармойиши имзоланди [5]. Энг асосийси янги 2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилинди. Давлат раҳбари томонидан кўрилаётган бу чора-тадбирлар замирида иккита энг асосий мақсад – ёшларнинг бандлигини таъминлаш, натижада оилаларга барқарор даромад манбаи яратиш энг муҳим вазифа эканлиги таъкидланмоқда.

Биринчидан. Фикримизча ёшлар ўртасида ишсизликни олдини олиш учун аввало иқтисодий рағбатлардан, жумладан, ёшларни ишга жойлаштириш ва қабул қилиш, уларни касбга ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича хизматларини тақдим қилишдан корхоналарнинг манфаатдорлигини оширадиган солиқ имтиёзларидан ҳам фойдаланиш, ёшларни ишга қабул қилиш учун квоталар ўрнатиб қўйиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан. Таълим тизимида бандликни таъминлаш моделларини прогнозлаш ва англаш ихтисосликларни жорий этиш лозим.

Учинчидан. Ишсизликнинг ижтимоий хавфсизликга, ғоявий ва мафкуравий таъсирини қисқартириш учун қулай инфратузилма ва имкониятларни чекка ҳудудларгача олиб бориш.

Тўртинчидан. Ёшларнинг ғоявий бандлигини сифатли ташкил этиш учун барча ҳудудлар кесимида турли фан ва спорт тўғараклари, театр ҳамда кутибхоналар ташкил этилишига давлат томонидан кенг миқёсда узоқ муддатли субсидиялар бериш.

Бешинчидан. Йилдан йилга ёшларнинг олий таълимга қамраб олишни кенгайтириш ва манзилли иш ўринларини ташкил этиш механизмларини яратиш.

Олтинчидан. Янги иш ўринларини яратиш имкониятига эга бўлган йирик хорижий компанияларни жалб этиш учун имтиёзлар бериш ва уларнинг ҳуқуқий кафолатларни янада мустакамлаш.

Адабиётлар

1. Толаметова З.А., Қулматов А.А. Ишсизликнинг келиб чиқиш сабабларига назарий ёндашув ва уни бартараф этиш йўллари. Иқтисод ва молия журнали. 2017 й. №4. Б.45.
2. Расулова Н.С. Ўзбекистон сиёсий партияларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги роли. “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари”. Илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. Тошкент. 2019. Б.252.
3. Қосимов Р.С. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати, унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари”. Илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. Тошкент. 2019. Б.5.
4. <https://xs.uz>. Ёшлар жиноятчилиги
5. <https://stat.uz>. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати.